Приложение № 8 к правилам казначейского исполнения бюджетов бюджетной системы Республики Узбекистан

## ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
## к договору (контракту) от 22.08.2022 г. № 135915
## между OUS-MAXBUILDING МЧЖ и Жанубий Мирзачул магистрал канали бошкармаси на общую сумму 286268126,00

Глава 170

Казначейский лицевой счёт 100010860082287042402170001

(в сумах)

| Наименование месяцев 2022 г. | Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации) | | | Всего |
|---|---|---|---|---|
| | 4233900 | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | 286 268 126,00 | | | 286 268 126,00 |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Всего за год** | **286 268 126,00** | | | **286 268 126,00** |

Всего 286268126,00 сум

Двести восемьдесят шесть миллионов двести шестьдесят восемь тысяч сто двадцать шесть сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 85880437,80 сум или 30,00%*** от общей суммы договора подлежат предоплате в август мес. 2022 г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _______% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика _______________ (подпись) Джураев Ш.С. Ф.И.О.

М.П.

Главный бухгалтер заказчика _______________ (подпись) Худаяров Б. У. Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения _______________ (подпись)

«___» _______________ 20___г.

Получил работник заказчика _______________ (подпись)

«___» _______________ 20___г.

## №135915 - сонли пудрат шартномаси

Пахтакор ш 2022 йил 22 08

Жанубий Мирзачўл каналдан фойдаланиш бошқармаси
(корхонанинг номи)

номидан низом асосида фаолияти юритувчи рахбари Ш. Джураев (кейинги ўринларда "Буюртмачи"
(Ф.И.О)

деб юритилади) ва "OUS-MAXBUILDING" МЧЖ номидан
(корхонанинг номи)

низом асосида фаолияти юритувчи рахбари Б. Усмонқулов (кейинги ўринларда "Пудратчи" деб
(Ф.И.О)

юритилади) лар мазкур шартномани қуйидагилар хақида туздилар.

### 1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра ўз материаллари ёки буюртмачининг материалларидан фойдаланиб: мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул килиб олиш ва бунинг учун хақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда "Ишлар" деб аталадиган қуйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

Жанубий Мирзачўл магистрал канали ПК-923+00 да жойлашган Ёйилма гидроузели сув тақсимлаш иншоотларида сув ҳажмини бошқариш затворларини автоматлаштириш ишлари

Кўрсатилган ишларни бажариш учун буюртмачи 2022й. «22» 08 га қадар пудратчига зарурий лойиха-смета хужжатлари, техник хариталар тақдим этиш мажбуриятини олади.

Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

Ишларни бажариш муддати:
2022й. «22» 08 дан
2022й. «22» 09 гача.
Пудратчи ишларни олдин бажариш хукуқига эга (эга эмас).

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб хисобланади.

### 2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

3.

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома кийматининг 30 % микдорида бўнак тўловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ хажмда бажарилгандан сўнг қолган маблағни буюртмачига узил-кесил, хисоб-китоб амалга оширилади.

2.2. Шартнома икки томондан имзолангандан кейин қонуний кучга эга булади ва «31» 12 2022 йилгача амал килади.

### 3. Тарафларнинг хукук ва мажбуриятлари

3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойихага биноан зарур бўлган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул килиш, тушириш, тахлаш хамда сақлашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани тўғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 10 кун ичида текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни қўриқлаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи қуйидаги хуқуқларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган хақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш хуқуқига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги хақида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул килиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар хақида пудратчига дархол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган хисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун хақ тўлаш.

3.4. Буюртмачи қуйидаги хуқуқларга эга:

3.4.1. хар қандай вактда пудратчининг фаолиятига аралашмаган холда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вактда шартномадан воз кечиб, белгиланган бахонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга кадар бажарилган ишлар қисмига мутоносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буртмачи пудратчига шартноманинг бекор килиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг бахоси билан хамма иш учун белгиланган бахо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши хам шарт.

## 4. Шартноманинг бахоси ва хисоблашишлар тартиби

4.1. Мазкур шартноманинг бахоси

286268126 (иккиюз саксон олти миллион икки юз олтмиш саккиз минг бир юз йигирма олти) сўмни ташкил килади. (ҚҚС билан - 37339321 сўм)

4.2 Ушбу шартнома бўйича тўлов аванс асосида амалга оширилади.

4.2.1 Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома бахосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган хисоб-китоб хисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 5% миқдорда жарима ва хар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган

ишлар бахосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар хақини ўз вактида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амал килувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузишини бартараф этишдан озод этмайди.

## 6. Форс-мажор холатлари

6.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боглиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон килиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф килиб бўлмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси хукуматининг шунга оид карорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб хисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик килиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

## 7. Низоларни хал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан хал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан хал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни

Жиззах вилоят иқтисодий суди да

*((Тарафлар томонидан низоларни хал этиш учун танланган суднинг номи ва жойлашган жойи кўрсатилсин)*

кўриб чиқишга топширадилар.

## 8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага хар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, хар иккала тараф имзолаган холлардагина хақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қуйидаги холларда шартномани бекор килишга хақли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тўхтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;

-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи қўйидаги холларда шартномани бекор килишга хақли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг хажми қийматини тўлайди.

8.6. Шартномани бекор килишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

## 9. Якуний қоидалар

9.1. Мазкур шартномага киритиладиган хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг хақиқий хисобланади.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди.Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга.Тарафларнинг хар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

9.3. Шартномага илова: кувонома

**Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари**

| Буюртмачи: | Ижрочи: |
|---|---|
| жанубий мирзачўл каналидан фойдаланиш бошқармаси | „OUS-MAXBUILDING" МЧЖ |
| СТИР 201455535 | СТИР 306550356 |
| ОКОНХ 22100 | ОКОНХ |
| Юридик манзили: Пахтакор ш | Юридик манзили: Жиззах ш |
| Телефон/факс 72-353-13-30 | Телефон/факс |
| Хисоб-китоб хисобварағи: 23402000300100001010 | Хисоб-китоб хисобварағи: 20208000605131514001 |
| Банки Марказий банк | Банки Турон банк |
| МФО 00014 | МФО 00982 |
| ш/х-б: 100010860082287042402170001 | |
| Буюртмачи: | Пудратчи: |
| Рахбар: Ш. Жураев | Рахбар: Б. Чемонкулов |

Юлдашев Н. Норбутаев

2246463

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"OUS-MAXBUILDING" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"OUS-MAXBUILDING" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

02.07.2019 739748 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 306550356

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Jizzax viloyati, Jizzax shahri, A.NAVOIY MAHALLASI BESHQUVIR KO'CHASI 56 UY,

Guvohnoma: Jizzax viloyati, Jizzax shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

# ЮРИСТ ХУЛОСАСИ

2022 йил 22-августдаги Жанубий Мирзачўл каналидан фойдаланиш бошқармаси ва “OUS-MAXBUILDING” МЧЖ ўртасида тузилган 286268126 сўмлик №135915 сонли шартнома 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятида шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сонли қарор, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 631-685 моддалари талабларига риоя этилган холда тузилган.

Шартнома шартлари амалдаги қонунчилик асосида ва Жанубий Мирзачўл каналидан фойдаланиш бошқармаси низомига асосан тўғри тузилган.

Шартномадаги томонларнинг жавобгарлиги 1998 йил 29 – августдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятида шартномавий – хуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-28 – моддалари талабларига асосан белгиланган.

Шартнома талабларини ижро этилишида юзага келадиган келишмовчиликлар ўрганилган тартибда музокаралар йули билан хал этилади. Келишувга эришиш имкони бўлмаган, низоли масалалар иқтисодий суд оркали қонунчиликда белгиланган тартибда хал этилади.

Юқоридаги асосланган холда, ушбу шартнома томонлар томонидан имзоланиши мумкин.

**Хуқуқшунос:-** **Қ.Нормуратов**

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
ЖМКФБ бошлиғи
_________ Ш.С.Джураев
«22» 02 2022 йил

**Жанубий Мирзачўл каналидан фойдаланиш бошқармаси танлов хаъйати комиссияси**

**БАЁННОМАСИ № 20**

«22» 02 2022 йил Пахтакор ш.

**Жанубий Мирзачўл каналидан фойдаланиш бошқармаси бўйича 2022 йил 14-январдаги № 2-и/ч сонли буйруғига асосан тасдиқланган хаъйати аъзолари қуйидаги тартибда қатнашдилар:**

| | | |
|---|---|---|
| Раислик қилувчи: | Ш.Джураев | - ЖМКФБ бошлиғи |
| Комиссия котиби: | М.Ахмедов | - ТИТЭ ва ГТИФ сектори бошлиғи |
| Комиссия аъзолари: | Ж.Бабакулов | - Бошлиқнинг биринчи ўринбосари |
| | К.Нармуратов | - Хуқуқшунос |
| | Б.Худаяров | - Бош хисобчи |
| | Б.Назаров | - Бош мухандис энергетик |

**КУН ТАРТИБИ.**

1. Жанубий Мирзачўл каналидан фойдаланиш бошқармаси тасарруфидаги Жанубий Мирзачўл магистрал канали ПК923+00 да жойлашган Ёйилма гидроузели сув тақсимлаш иншоатларида сув хўжалиги бошқариш жараёнларини автоматлаштириш ишлари бўйича махсус ахборот порталига ЛОТ №135915 рақами билан жойлаштирилган эълон талабномаси натижаларини кўриб чиқиш.

2. Жанубий Мирзачўл каналидан фойдаланиш бошқармаси Жанубий Мирзачўл магистрал канали ПК923+00 да жойлашган Ёйилма гидроузели сув тақсимлаш иншоатларида сув хўжалиги бошқариш жараёнларини автоматлаштириш ишлари бўйича ахборот порталига жойлаштирилган эълон(талабнома)га асосан электрон асосда ўтказилган танловда “OUS-MAXBUILDING” МЧЖ ғолиб бўлганлиги аниқланди.

Хайъат аъзолари электрон асосда ўтказилган танлов натижаларини ўрганиб чиқиб,

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Жанубий Мирзачўл каналидан фойдаланиш бошқармаси тасарруфидаги Жанубий Мирзачўл магистрал канали ПК923+00 да жойлашган Ёйилма гидроузели сув тақсимлаш иншоатларида сув хўжалиги бошқариш жараёнларини автоматлаштириш ишлари бўйича электрон танлов натижаларига хеч қандай шикоят ва эътирозлар бўлмаганлиги сабабли электрон танловда ғолиб чиққан “OUS-MAXBUILDING” МЧЖ билан шартнома тузиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Комиссия котиби: М.Ахмедов
Комиссия аъзолари: Ж.Бабакулов
К.Нармуратов
Б.Худаяров
Б.Назаров